SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 24-IYUL ■ PAYSHANBA ■ 86 (27.106) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ *1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.*





МАҲСУЛОТ ХОРИЖГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Булунғур туманидаги «Афросиёб меваси» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасида 172 нафар йигит-қиз меҳнат қилаяпти. Бу ерда қайта ишланаётган олма, помидор, узум, ўрик, олхўри шарбатлари асосан хорижга экспорт қилинмоқда. Италиянинг замонавий технологияси асосида ишлаётган корхонада бир кеча-кундузда 400 тоннагача олма, 600 тоннагача помидор, 150 тоннагача ўрик ёки олхўри, 180 тонна узумни қайта ишлаш мумкин. Энг муҳими, бу ерда ҳўл меваларни қайта ишлаш билан боғлиқ жараёнлар компьютер ёрдамида бошқарилади. Маҳсулотнинг сифатига эса гап йўқ. Шунинг учун ҳам «Афросиёб меваси» тамғаси билан тайёрланаётган мазали, тўйимли ва тоза шарбатларга хорижда ҳам талаб катта. Айни пайтда корхонада помидор, олма, олхўри ва ўрик қайта ишланиб, ундан шарбат ва пюре тайёрланаяпти.

Суратларда: корхонанинг илғор ишчилари Наргиза Турдибекова билан Дилбар Муҳиддиновалар иш устида; оператор Ўрол Абдураззоқов бошқарув пульти ёнида; ишчи Рустам Инатуллаев; қўшма корхонанинг умумий кўриниши.

ЎЗБЕКИСТОНГА ЕТТБ ВАКИЛЛАРИ ТАШРИФИ

Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг Бош котиби Жони Акерхольм бошлиқ юксак мартабали вакиллардан иборат расмий делегациянинг шу ҳафта Ўзбекистонга қиладиган ташрифи Банкнинг мамлакатлараро ҳамкорлигини кузатиш доирасида амалга оширилади.

Мазкур ташриф шу йил май ойида Банкнинг Тошкентда ўтган йиллик мажлисидан сўнг биринчиси бўлиб, шунингдек, март ойида эълон қилинган Банк стратегияси доирасида амалга оширилаётган дастлабки учрашув ҳамдир. Бу стратегия Ўзбекистоннинг хусусий ва давлат секторида ЕТТБ қандай қилиб асосий сармоядор бўлиб қолишини белгилаб беради. Келишувга кўра, унинг Банклари сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш йўлини тезлаштиришга йўналтирилган кўрсаткичлар юзасидан Ўзбекистон ҳукумати билан фаол диалог олиб боради. Айни пайтда ушбу стратегия бутун йил давомида қўлга киритилган тараққиёт кўрсаткичларини ҳам шарҳлашни кўзда тутади.

Ўзбекистонда мониторинг бўйича Банклар салоҳиятини марказлаштирувчи жаноб Акерхольм Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий ва дипломатия ҳамда ишбилармон доиралари вакиллари, шунингдек, мамлакатдаги ноҳукумат ташкилотларнинг вакиллари билан ҳам учрашади.

Жаноб Акерхольмга ЕТТБ Директорлари Кенгашининг аъзоси жаноб Лорен Ги ва ЕТТБнинг Ўзбекистондаги директори ҳамроҳлик қилади.

Изоҳ: ЕТТБ акциядорлари таркибига 60 мамлакат ва 2 та ҳукуматлараро институтлар киради. ЕТТБ Марказий ва Шарқий Европа, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олдига бозор иқтисодиётига ўтишда ҳамкорлик қилиш мақсадларини қўяди.

(22 июль, 2003 йил, ЕТТБ сайти: www. ebrd. kom)

ЯНА БИР ЯНГИ КОЛЛЕЖ

«Навоий деҳқон» очиқ ҳиссадорлик жамияти қурувчилари мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллигига муносиб меҳнат туҳфаларини ҳозирлашди. Нуротадаги 900 ўринли педагогика коллежининг янги биноси изидан Учқудуқдаги 450 ўринли саноат коллежи иншооти барвақт ишга туширилди. Вилоят аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида қатор тиббий шифохоналар ҳам уларнинг саъй-ҳаракати билан муддатидан илгари иш бошлади. Қизилтепа тумани ҳудудидаги «Тошработ» қишлоқ марказида 75 ўринли, «Бўстон» ширкат хўжалигида 50 ўринли, Хатирчи туманидаги Мирзо Улуғбек ширкат хўжалиги ҳудудида 75 ўринли ва «Кенагас» каби қишлоқ врачлик пунктлари шулар жумласидандир.

Уларни тиклашда, — дейди вилоят ҳокимлигининг қурилиш комплекси раҳбари Фахриддин Хирочев, — «Зарафшон» қурилиш бошқармаси, «Бинокор» ишлаб чиқариш корхонаси, 9-кўчма механизациялашган колонна ва «Монолит — XXI» бинокорлик ташкилотлари бунёдкорларининг ҳиссаси, айниқса, катта бўлди.

Ўткир ПЎЛАТ

Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

ЖАМОАТ ФОНДЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛМОҒИ КЕРАК?

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва партиянинг парлемент фракцияси, Олий Мажлис XI сессияси томонидан биринчи ўқишда маъқулланган қонунлар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини уюштиришда иштирок этиш мақсадида, талай ишларни олиб бормоқдалар. Бу масалада Ўзбекистон ХДП МКнинг таниқли жамиятшунос-олимлар, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, мутахассислар ва партия фаолларидан иборат Экспертлар гуруҳининг ёрдами салмоқли бўлаётир. Мухбиримиз иқтисод фанлари доктори, профессор Руфат Раззоқов, партия Марказий Кенгаши масъул ходими Михаил Ельшов ва Экспертлар гуруҳининг айрим бошқа аъзолари билан учрашиб, улардан «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини илтимос қилди.

Мухбир: Маълумки, 2003 йилнинг 27 май куни Олий Мажлис XI сессияси томонидан маъқулланган «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Аввалам-бор, ушбу лойиҳа хусусида нималар дейиш мумкин? Унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? У ижтимоий ҳаётнинг қайси соҳаларини қонун билан бошқаришга хизмат қилади?

Р.Раззоқов: Партия Марказий Кенгашининг Экспертлар гуруҳи ушбу Қонун лойиҳаси устида, унинг матни матбуотда эълон қилиниши биланоқ, иш бошлади. Фикримизча, бу жуда фойдали ва ўз вақтида юзага келган ҳужжат лойиҳасидир. Жамоат фондлари нодавлат нотижорат ташкилотларнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан биридир. Бироқ, жамоат ташкилотларини тузиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида маълум қонунчилик ҳужжатлари мавжуд бўлган ҳолда, бугунга келиб жамоат фондлари ҳақида бундай қонун йўқ. Ваҳоланки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадалларини қўшиш асосида, ўнлаб жамоат фондлари пайдо бўлиб, улар хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа мақсадларни бажариб келмоқдалар.

М.Ельшов: Руфат Манноповичнинг сўзларига қўшимча тариқасида айтмоқчи эдимки, парламентимизнинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан мазкур Қонун лойиҳаси тайёрланаётганда, нафақат мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган жамоат фондлари тажрибаси асос қилиб олинди. Мазкур Қўмита томонидан қатор халқаро ташкилотларнинг ахборий кўмагига таяниб ва Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази билан ҳамкорликда турли давлатлардаги (жумладан, Германия Федератив Республикаси, Испания, Дания, Молдова Республикаси ва бошқалар) жамоат фондларини қонунчилик асосида бошқариш тажрибаси диққат билан ўрганиб чиқилди. Ушбу ишлар доирасида ўтказилган қатор тадбирларнинг бевосита иштирокчиси сифатида айтишим мумкинки, муҳокамага қўйилган Қонун лойиҳаси фуқаролик жамияти қарор топган мамлакатлардаги мавжуд қонунчилик меъёрларига жуда мос келади.

2-бет

Газетада босилмади, аммо...

ОВОРАГАРЧИЛИК БАРҲАМ ТОПДИ

Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳридан «Наврўз-96» фермер хўжалиги раҳбари Ҳотам Жумаев таҳририятимизга хат йўллаб, тайёрланган, гўшт маҳсулотларини қабул қилишда оворагарчиликка йўл қўйилаётгани ҳақида ёзган эди. Чунончи, вилоятда қабул қилиш маскани бўлишига қарамай, унинг раҳбари Т.Умаров гўшт қабул қилишни пайсалга солиб, Қашқадарё ё Самарқандга олиб боринглар, дер экан. Хат муаллифи бу аҳволда маҳсулотнинг сифати бузилиши, қолаверса, уловидан тушови қимматга тушиши ҳақида қайғуради. Яқинда ана шу мактубга «Ўзбексавдо» акциядорлик компаниясидан жавоб хати олдик. Унда жумладан, шундай дейилади:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 мартдаги 165-сонли қарорига асосан «Ўзбексавдо» акциядорлик компаниясига 3000 тонна гўшт тайёрлаб, «Ўздавзаҳира»га топшириш вазифаси юклатилган.

Шунга биноан компания тизимига қарашли жамиятлар томонидан аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликлари билан гўшт етказиб бериш борасида йилнинг ҳар чораги бўйича шартномалар тузилган. Шу жумладан, тизимга қарашли «Термизгўштсутсавдо» акциядорлик жамиятига жорий йилнинг II чорагида 500 тонна гўшт тайёрлаб «Ўздавзаҳира»га топшириш вазифаси юклатилган. «Термизгўштсутсавдо» жамияти раҳбарияти вилоятда жойлашган «Беҳруз», «Наврўз-96», «Сурхон-10», «Азизбек», «Хуршид» фермер хўжаликлари раҳбарлари билан учрашув ўтказиб, ҳозирги кунда улар томонидан гўшт топшириш бўйича тегишли ишлар амалга ошириш йўлга қўйилди.

«Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси раиси ўринбосари Р.ҲАМИДБЕКОВ»

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

USAID СУВНИ ТЕЖАШГА УНДАЙДИ



23 июлдан 10 августга қадар республикамиз оромгоҳларида дам олаётган мактаб ўқувчилари учун сувни тежашга қаратилган жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг янги тадбирлари ўтказилади. Уни АҚШ Халқаро ривожлантириш агентлиги (USAID) Марказий Осиёда табиий ресурсларнинг бошқарувини такомиллаштириш дастури (NRMP) орқали Халқ таълими вазирлиги қошидаги «Биоэкосан» ўқув-услубий маркази, «Дилхуш» ва «Поиск» нодавлат ташкилотлари иштирокида ўтказади.

Тадбирлар сувни тежашга қаратилган бўлиб, унда ўқув материаллари тарқатилади, телерадиороликлар намойиш этилади. NRMP АҚШ Фанлар академиясининг маълумотларига таянган ҳолда сувни тежаш масалаларига бағишланган қизиқарли ва оммабоп икки ўқув қўлланмани ишлаб чиқди. Халқ таълими вазирлиги эса ушбу ўқув қўлланмалардан ўқувчиларнинг синфдан ташқари машғулотларида фойдаланишларига рухсат берди.

NRMP томонидан тайёрланган роликлар намойишидан сўнг ўқувчилар сувни тежаш борасидаги фикрларини билдирадилар. Шунингдек, турли викторина ўйинлари ва танловлар ўтказилади.

Тадбирлар бошланиши олдидан Миллий матбуот марказида USAID, NRMP, «Биоэкосан» ўқув-услубий маркази, «Дилхуш», «Поиск» нодавлат ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилот, идоралар, ОАВ вакиллари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Сувни самарали тежашда кенг жамоатчиликнинг иштироки зарур. Жамоатчилик фикрини шакллантирувчи тадбирлар ёрдамида биз маълумотлар тўплаймиз, музокаралар ўтказамиз ва ижобий ўзгаришлар рўй беришига кўмаклашамиз, — дейди NRMP минтақавий бошқарувчисининг ўринбосари Рэндольф Брутон.

Беҳзод ШУКУРОВ

«МИРИШКОР» — МИРИШКОРДА ЯРАТИЛДИ

Қашқадарё вилоятининг Миришкор тумани янги тузилган. Бироқ хўжаликлар, фермерлар томонидан янгиликларга рағбат катта. Бу «Миришкор-3, 6-1, 2» деб аталган мосламанинг яратилиши ва синовдан муваффақиятли ўтишига олиб келди.

Ғўза қатор ораларига ишлов беришга мўлжалланган агрегатни Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг Тошкент филиали бўлим бошлиғи Абдумурод Муҳаммадиев яратди. Ишлаб чиқаришда қўллаш учун патент ҳам олинди. Мосламанинг қулайлиги ғўза ниҳолларига 35-40 сантиметр чуқурликда ишлов беришидагина эмас, бир йўла маҳаллий ва минерал ўғитларни солиши ҳам кўзда тутилган. Натижада юмшатиш ва бир йўла озиқлантириш ғўза ниҳоллари ривожини тезлаштиради.

Юнус УЗОҚОВ

ҲАМ ЎҚУВ, ҲАМ КЎРГАЗМА

Гулистон шаҳрида Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятлари кичик ва ўрта бизнес вакилларининг кўргазмали ўқув-семинари бўлиб ўтди. Семинарни Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, уларнинг экспорт имкониятларини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш ҳамда тадбиркорлар сафини кенгайтириш ўқув-семинар ишининг бош мақсади бўлди. Тадбиркорлар пойтахтдан келган малакали мутахассисларнинг чиқишларини тингладилар, ўзларини қизиқтирган саволларни ўртага қўйдилар.

Семинар ишида Сирдарё вилояти ҳокими Равшан Ҳайдаров сўзга чиқди.

Абдужалил УМАРОВ

РАҲБАРНИНГ ТАФАККУРИ

ОШСА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ТЕЗЛАШАДИ

«Юксак тараққиётга эришиш учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор — маънавий-маърифий тарбияни юқори даражага кўтариш, айниқса, бугунги янгиланиш даврида муҳим ва долзарб аҳамият касб этмоқда». Юртбошимизнинг бу таъкидлари Наманган вилояти Маънавият ва маърифат кенгаши фаолиятида ўзининг дастурий ифодасини топмоқда.

Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими қошида ташкил этилган. «Тафаккур» илмий-маърифий ўқув курси Наманган давлат университетида фаолият олиб бормоқда. Мазкур курс вилоятдаги барча давлат ва жамоат идоралари раҳбарлари маънавий ва сиёсий савиясини янада оширишга мўлжаллангандир.

Ўқув ташкилотчилари бундай курсларда олдинлари кузатилган зерикарли маърузабозлик ва расмиятчилик услубларидан холи бўлишни таъминламоқдалар. Университет олимлари, давлат идоралари мутасаддилари, уламолар Конституциямиз қадр-қиммати, ижтимоий-сиёсий тараққиётимиз босқичларига алоқадор мавзуларни эркин, давра суҳбатлари тарзида тингловчиларга етказдилар.

Вилоят тиббиёт тизими раҳбарларидан 20 нафари курс дастурини муваффақиятли битирди. Тингловчиларга сертификат топшириш маросимида шу нарса аён бўлдики, «Тафаккур» курси тингловчилар руҳий оламига янгича куч бахш этган.

Тадбирда вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши маъсул котиби Зиёвиддин Мансуров ва НамДУ ректори, Олий Мажлис депутати Турсунбой Файзуллаевлар «Тафаккур»нинг қалдирғоч тингловчиларига омад тиладилар.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ

БИЗНЕС БАНК

ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

BUSINESS BANK

Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

ЖАМОАТ ФОНДЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛМОҒИ КЕРАК?

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мухбир: Шундай бўлса-да, мазкур Қонун лойиҳаси пухта-пишиқ қилиб тайёрланган бўлишига қарамай, у Олий Мажлиснинг ўтган сессияси томонидан ҳозирча биринчи ўқишдагина маъқулланди. Буни нима билан изоҳлаш мумкин?

М.Ельшов: Бу шу нарсани кўрсатмоқдаки, жамоат фондлари, биринчи навбатда, фуқаролик жамияти институтларидан биридир. Уларни тузиш ва самарали фаолиятини йўлга қўйиш фақат ва фақат давлатимизнинг имкон қадар кўплаб фуқаролари ушбу жараёнларда била туриб ва фаол иштирок этганларидагина муваффақиятли бўлиши мумкин. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикасининг «Қонунлар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, турли жамоат фондларини тузиш ва фаолиятини йўлга қўйиш ишида муайян тажриба орттирган фуқароларни «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамасига тортиб, уларга ижтимоий ҳаётнинг ушбу соҳасини қонунчилик воситасида бошқариш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдириш имкониятини туғдириш табиий ҳолдир.

Р.Раззоқов: Михаил Леонидовичнинг фикрига қўшиламан. Чунки, Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси, унинг давомида билдирилаётган таклифлар лойиҳани бойитиш, уни меъёрига етказишга хизмат қилади. Ушбу ижодий изланишлар натижасида мустақил Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий фаоллигини оширишни рағбатлантирувчи, унинг ҳар томонлама ривожланишига имконият туғдирувчи Қонунни қабул қилиш мумкин бўлади.

Мухбир: Лойиҳага доир аниқ таклиф ва муайян фикр-мулоҳазаларингиз ҳам бўлса керак?

Р.Раззоқов: Албатта, бор. Чунончи, лойиҳанинг **4-моддасида** айтилишича, **республика ва маҳаллий фондлар** ташкил этилиши мумкин. Бу билан, менингча, жамоат фондларини ҳудудий белгиларга қараб таснифлаш таклиф этилмоқда. Масалага бундай ёндошиш, фикримча, жамоат фондлари ҳал этишлари лозим бўлган вазифалар доирасини бирмунча торайтиради. Масалан, халқ таълимини қўллаб-қувватлаш бўйича нодавлат фондлар кўп жойларда фақат ҳудудий тамойиллар асосида тузилмоқдами? Бу ерда айни тармоқ тамойили тизимни ташкил этувчилик вазифасини бажаради, деб ҳисоблайман. Меҳнат қонунчилигида кўзда тутилган жамоавий битимларни тузиш доирасида муайян тармоқ ходимлари учун меҳнат, бандлик ва ижтимоий кафолатлар шароитларини такомиллаштириш мақсадида, жамоат фондлари тузилишини истисно қилиб бўлмайди. Шуларни инобатга олиб, мен мазкур модда матнини **тармоқ жамоат фондлари** тушунчаси билан тўлдириб, унинг тегишли таърифини ҳам беришни таклиф қилар эдим.

М.Ельшов: Менда ҳам қатор таклифлар бор. Энг аввало, шуни таъкидламоқчиманки, ушбу Қонун лойиҳасида, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунга қараганда, қатъий белгиловчи ва чекловчи қоидалар анча оз. Сир эмас, жамоат фондлари тўғрисидаги қонун бўлмаганлиги учун улар жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олишнинг амалдаги қоидалари асосида рўйхатдан ўтказилиб келинди. Ушбу қоидаларга мувофиқ, республикавий нодавлат нотижорат ташкилотни тузиш учун, уни рўйхатдан ўтказиш босқичидаёқ (яъни устав фаолияти бошланмасданоқ), унинг вилоятлардаги мавжуд бўлинмалари ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинади. «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасида бундай чеклашнинг йўқлиги таҳсинга лойиқ. Чунки, аъзолик кўзда тутилмаган ташкилот учун унинг вилоят бўлинмаларининг мавжудлиги эмас, балки у ҳал қилмоқчи бўлган вазифалар кўлами муҳимроқдир.

Руфат Маннопович кўтарган мавзу ўзанларида қуйидаги савол ҳам ўринлидир: нима сабабдан Қонун лойиҳасида Ўзбекистонда халқаро жамоат ташкилотларини ташкил этиш масаласи четлаб ўтилиб, фақат уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари тўғрисида сўз юритилади? Бизда муваффақиятли фаолият кўрсатиб келаётган Экология ва саломатлик «Экосан» халқаро жамғармаси ибрати бор-ку! Шунга ўхшаган бошқа ташаббуслар ҳам туғилиши мумкин. Шу боис, лойиҳанинг **4-моддасида халқаро жамоат фонди** тушунчасини киритиш, **6-моддада** эса **қароргоҳи Ўзбекистон Республикасида бўлган халқаро жамоат ташкилотларини таъсис этиш тартибини** ўрнатувчи меъёрларни белгилаш лозим, деб ҳисоблайман.

Мухбир: Сизнингча, муҳокама қилинаётган Қонун лойиҳасида жамоат фондларини ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказишнинг амалдаги, жамоат бирлашмаларини рўйхатга олишга оид, муолажаларга қараганда етарлича эркин меъёрлари кўзда тутилмоқдами?

М.Ельшов: Бу саволга ижобий жавоб берса ҳам бўлади, салбий ҳам. Негаки, Қонун лойиҳасида ушбу масалада бирмунча енгиллик берилаётганлиги кўзга ташланса-да, менингча, айрим бошқа ҳолларда унчалик оқланмаган қатор чекланишлар ҳам мавжуд. Масалан, **19-моддада** кўзда тутилган **жамоат фондларини ташкил этиш учун зарур дастлабки маблағларнинг энг кам миқдори** тўғрисидаги қоидани олиб кўрайлик. Унга зарурат борми? Тижорат ташкилотлари учун устав капиталининг энг кам миқдорини белгилаб қўйиш тушунарлидир, албатта. Тижорат фаолияти учун кредитлар олиш, асосий ва айланма маблағлар ҳамда ишлаб чиқариш ходимларининг мавжуд бўлиши зарурдир. Ва агар ташкил этилаётган тижорат ташкилотининг устав капитали миқдори муайян даражадан паст бўлса, унда у ўз вазифаларини бажара олмайди. Жамоат фондига келсак, унинг фаолияти умуман жамоатчилик асосида бошланиши ва бунинг учун дастлабки босқичда ҳеч қандай маблағнинг мавжудлиги талаб қилинмаслиги мумкин. Шунинг учун, мазкур лойиҳанинг тегишли моддасидан, ҳеч бўмаганда, **маҳаллий жамоат фондларини ташкил этиш учун дастлабки маблағларнинг энг кам миқдори тўғрисидаги қоидани** чиқариб ташлаш тўғри бўлар эди. **Республика** (ва бизнинг таклифимиз қабул қилинса – **халқаро**) жамоат фондлари фаолияти сарф-харажатларсиз ҳеч ҳам мумкин бўлмаслиги (борди-келди ва хизмат сафарлари, алоқа воситаларидан фойдаланиш ва ҳоказолар) учун, уларга нисбатан Вазирлар Маҳкамаси қарорига ҳавола қилиш меъёрини киритмай, балки барча турдаги тижорат ташкилотларига оид қонунчиликда жорий қилингани каби, **тегишли қиймат кўрсаткичларини қонунда аниқлаб қўйиш** маъқул.

Р.Раззоқов: Михаил Леонидовичнинг ушбу фикрларини маъқуллаган ҳолда, Қонун лойиҳасининг **23-моддасида** баён қилинган **« ... Ҳар йилги маъмурий харажатлар суммаси фонд барча харажатлари суммасининг ўн беш фоизидан ошмаслиги керак»**, деган қоида ҳам ўзини оқламайди, деб ўйлайман. Зеро, жамоат фондларининг мақсад ва вазифалари кўпинча инсонпарварлик ва хайрия хусусиятларига эга бўлиб, уларни амалга ошириш Ўзбекистон аҳолисининг ҳаёт тарзи, дунёқараши, менталитети, анъаналари ва бошқача диққатга сазовор омилларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Булар жамоат фондлари ходимларидан юқори касб маҳорати, кенг дунёқараш, бағрикенглик, фидойиликни талаб қилади. Бу, ўз навбатида, уларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш лозимлигини тақозо этади. Шуни ҳисобга олиб, **жамоат фондларидаги маъмурий харажатларнинг солиштирма ҳажмини 50 ва ундан ортиқ фоизларда белгилаш** мумкин.

М.Ельшов: Мен бу масалада яна бир қадам олға ташлашни таклиф қилмоқчиман. Зеро, бу ерда, Фуқаролик кодексига мувофиқ, хусусий мулкчилик тамойиллари асосида ташкил этиладиган жамоат фондлари тўғрисида сўз бормоқда. Шундай экан, нима учун давлат ушбу масалаларни қонунчилик воситасида қатъий белгилаб қўймоғи лозим? Уларни фонд муассислари ва васийлик кенгашлари ихтиёрида қолдирса бўлмайдими? Ахир, назарий жиҳатдан олганда, жамоат фонди умумий харажатлари тузилмасида ҳамиша ҳам маъмурий харажатларни аниқ ажратиб бўлмайди. Мисол учун, хусусий кутубхона унинг эгаси томонидан устав вазифаси фақатгина кутубхоначилик фаолияти билан чекланган жамоат фондига айлантирилганида, унинг ягона раҳбари, айни пайтда, кутубхоначи вазифасини ҳам жариши, кутубхона жойлашган бино(хона ёки хоналар) ҳам қироатхона, ҳам офис бўлиши мумкин. Бундай шароитда жамоат фондининг маъмурий харажатларини унинг устав вазифасини адо этишга қаратилган бошқа сарф-харажатлардан қандай ажратиш мумкин? Шунинг учун, менинг фикримча, Қонун лойиҳасининг **23- ва бошқа моддаларига** жамоат фондларининг **маъмурий харажатлари миқдорини чеклаш** тўғрисидаги қоидаларни киритмасдан, келажакда пайдо бўлиши муқаррар бўлган тушунмовчилик ва зиддиятларнинг олдини олса бўлади.

Мухбир: Маълумки, ташкил этилган жамоат фондларини рўйхатдан ўтказиш жараёнида турли қийинчилик ва тушунмовчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Ҳозир муҳокама қилинаётган Қонун лойиҳасида бу масалани қандай ҳал этиш таклиф қилинмоқда?

Р.Раззоқов: Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу масалада анча енгилликлар берилмоқда. Бироқ, бизнинг фикримизча, Қонун лойиҳасининг **15-моддасида** ифода этилган, жамоат фондини рўйхатга олишни рад этиш ҳақидаги қоидани янада аниқроқ, ишончлироқ тарзда белгилаш талаб қилинади. Модомики, жамоат фондлари ижтимоий аҳамиятга молик, фойдали фаолият кўрсатиш учун ташкил этиладилар ва шу сабабдан жиддий солиқ имтиёзларига эга бўлиши мумкин экан, уларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун **фонднинг устав мақсади ва вазифаси шундай нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларига мос келмаслигини** асос қилиб белгиламоқ даркор.

Мухбир: Мазкур Қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган яна қандай таклифларингиз бор?

М.Ельшов: Мен лойиҳанинг **24-моддасидаги** жамоат фондининг фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиши лозимлиги ҳақидаги қоидасига аниқлик киритишни (« Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонунга ўзгаришлар киритишни ҳам кўзда тутган ҳолда) таклиф қилмоқчиман. Бу ерда ҳам амалда келиб чиқиши мумкин бўлган, бир жисмоний шахс томонидан таъсис этилган жамоат фонди унинг томонидан танҳо бошқарилиб, ўз мол-мулкини фақат шу шахснинг бадаллари ҳисобидан шакллантиришдан бошқа манбага эга эмаслиги тўғрисидаги мисолни келтириш мумкин. Бундай ҳолда, « Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонунга мувофиқ, фондда бухгалтерия ҳисоб-китоблари тўғри олиб борилишига ҳамда унинг ихтиёрига топширилган мол-мулкдан белгиланган мақсадларда фойдаланилаётганлигига ишонч ҳосил қилиш учун жамоат фонди фаолиятини мажбурий равишда аудит текширувидан ўтказишга зарурат борми?

Шундан келиб чиқиб, Қонун лойиҳасининг **25-моддасида фонд бошқаруви органлари, агар фонд мол-мулкининг бир қисми бюджетдан молияланиш ёки фонд мол-мулкини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлмаган юридик шахсларнинг қўшган улуши ҳисобидан шаклланса, улар ҳар бир йилнинг молиявий якунида, ўз ихтиёрлари билан, фонд фаолиятининг мажбурий аудитини ўтказиб туришлари керак**, деб ёзиб қўйиш лозим.

Аудит текширувларидан бош тортилган ҳолатда **фонд мол-мулкига жарима солишнинг** (бу «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунга тааллуқлидир) мақсадга мувофиқлигини ҳам ўйлаб кўриш керак. Аслини олганда, одатда, аудит текширувини ўтказишдан фонднинг ижроия органи, муайян мансабдор шахслар бўйин товлайдилар. Жарима солиниши натижасида эса фонд мол-мулкининг маълум қисми бюджет ҳисобига ўтказиб юборилади ва бу, фикримча, ушбу мол-мулкдан мақсадли фойдаланиш тамойилига зиддир.

Р.Раззоқов: **19-модданинг** яна бир, яъни **«Фонднинг мол-мулкидан гаров ёки мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг бошқа усули сифатида фойдаланилиши, шунингдек, кредитлар бериш учун фойдаланилиши мумкин эмас»**, деган қоидаси хусусида тўхталмоқчи эдим. Бу қоида **17-моддадаги** фонднинг, ўз устав вазифаларини бажариш мақсадида, **тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш** ҳуқуқига зид эмасмикан? Уларни ташкил этиш учун устав капиталини шакллантириш керакки, бу, фуқаролик қонунчилиги тили билан айтганда, яъни **19-моддада** ман этилган, фонд **мол-мулкидан мажбуриятларни таъминлаш учун фойдаланишни** билдиради.

Мухбир: Биз бу ерда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Экспертлар гуруҳи аъзоларидан айримларининг «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазаларинигина келтирдик. Партиямизнинг бошқа фаоллари, унинг Парламент фракцияси аъзолари, маҳаллий ташкилотларининг ҳам бу ҳақда кўплаб таклифлари бўлиши мумкин ва улар, албатта, умумлаштирилиб, лойиҳанинг умумхалқ муҳокамаси доирасида республика Олий Мажлисига етказилади. Бу партиямизнинг Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг қонунчилик-ҳуқуқий пойдеворини бунёд этишга қўшган яна бир камтарона ҳиссаси бўлади.

Бундан саккиз йил аввал Денов туманидаги тадбиркор аёл Гулчеҳра Ҳайдарова «Гулнора» хусусий ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этган эди. Бугунги кунда бу ерда тайёрланаётган миллий кашта, сўзана, хотинқизлар учун мўлжаллаб тикилаётган бежирим кўйлак ва халатлар мижозлар эътиборини тортмоқда.

— Фирмада ўқув курслари ташкил этилган бўлиб, шаҳар ёшларига тикиш-бичиш, сартарошлик ва ҳунармандчилик асосларидан сабоқ беришади. Машғулотларни малакали мутахассислар олиб боришади. Ўқув курсларини битириб чиққан ёшлар мустақил равишда ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқдалар, — дейди фирма раҳбари Гулчеҳра Ҳайдарова.

Суратларда: **Райхон Абдиева, Рисолат Раҳматуллаева** (юқорида) ҳамда **Дилором Бердиевалар** (пастда) иш устида.

Абдурсул ПАРДА олган суратлар

ХЎЖАЛИК СУДИ ТАШАББУСИ

Жиззах вилоятида фермерлар ва тадбиркорлар учун ўқув маркази ташкил қилинди.

— Кичик ва ўрта бизнес субъектлари, фермерлар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимларини бойитиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида шу ишга қўл урдик, — дейди вилоят хўжалик суди раиси Комил Синдоров. — Очиғи, кейинги пайтда бизга тушаётган ариза ва шикоятлар кўпайиб бораяпти. Уларнинг асосий қисми фермерлар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий манфаатларига дахлдор бўлиб, бу ҳол айни шу йўналиш бўйича фаолият кўрсатаётганларнинг ҳуқуқий билимларини бойитиш заруратини пайдо қилаётир.

Суд маҳкамасида фаолият кўрсатаётган ўқув марказида мутахассислар ёрдам сўраб келаётганларга шартномалар тузиш, унинг шартларига амал қилиш, борди-ю, бирорта шарти бажарилмаган тақдирда қандай иш тутиш, даъво аризаси билан мурожаат қилиш йўл-йўриқлари бўйича амалий кўмак, қимматли маслаҳатлар беришмоқда.

Ўқув марказининг эшиклари ҳар куни очиқ. Унинг беминнат ёрдамидан фойдаланишни истаб бу ерга келаётган тадбиркорлар сафи кун сайин ортиб бораётир.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

ТАДБИРКОРЛАР

Иқтисодимизнинг равнақи, эртанги кунимиз

Тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шу боис, уларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга катта эътибор берилмоқда. Афсуски, тадбиркорларнинг эркин фаолиятига тўсиқ бўлаётган ҳолатлар ва муаммолар ҳали тўлиқ бартараф этилмаган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қонунбузилишлар асосан ҳокимлик, назорат қилувчи идоралар, банк ва шартномавий муносабатлар бўйича тайёрлов, хизмат кўрсатувчи идоралар ходимлари томонидан содир этилмоқда. Агар қонунбузилишларни хусусиятларига қараб ажратадиган бўлсак, фақат ўтган йилда иқтисодий ислоҳотлар бўйича қонунларнинг бажарилиши юзасидан турли соҳаларда 245 мингга яқин қонунбузарлик ҳолати аниқланган.

Хусусан, қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Андижон, Навоий, Бухоро, Сирдарё, Наманган ва Жиззах вилоятларида тадбиркорликка оид Қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, бошқа меъёрий ҳужжатлар ижроси қандай таъминланаётганлиги ўрганилди. Натижалар бўйича муҳокамалар вилоятнинг ҳар бир тумани ҳамда вилоят ҳокимликларида ўтказилди.

Афсус билан айтиш керакки, қонунбузилиш ҳолатлари ҳалиҳамон ҳокимликларда, банк соҳаларида, солиқ ва назорат қилувчи идоралар фаолиятларида, ер муносабатларида, шартнома шартларини бажаришда рўй бермоқда.

Жумладан, ҳокимликлар томонидан қонунга зид равишда тадбиркорларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш ва уларнинг пул маблағларини турли жамғармаларга жалб қилишдек қонунсиз, ўта инсофсиз хатти-харакатлар учраб турибди. Шунингдек, ҳокимликларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилдаги 347-сонли қарори талабларига риоя этмаслик, яъни белгиланган муддатларда гувоҳномалар берилмаслик ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

Солиқ идоралари томонидан ҳам тадбиркорлик субъектларига солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР), статистика идоралари томонидан «фирма номи» тўғрисидаги гувоҳномаларни кечиктириб бериш оқибатида Вазирлар Маҳкамаси қарори талаби қўпол равишда бузилишига йўл қўйилган. Бунинг оқибатида тадбиркорлар ортиқча вақт сарф қилишга мажбур бўлишмоқда.

Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига кредит беришда Адлия вазирлигида 902, 903 ва 907-рақам билан рўйхатга олинган меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартиб бузилган, яъни кредитлаш муддатининг бузилиш ҳолатларини яшириш мақсадида кредит аризаларини сунъий равишда кеч қабул (кирим қилмаслик) қилиш, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига кредит ажратишда меъёрий ҳужжатларга зид равишда тадбиркорлардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилиб олиш ҳолатларига йўл қўйилган.

Давлат солиқ инспекциялари томонидан тадбиркорлардан ҳисобда кўрсатилган суммадан кўп миқдорда инкассо топшириқномаси билан маблағ ундириб олиш, шунингдек, молиявий жазо қўллашда Солиқ Кодексининг 135-моддасига зид равишда белгиланган миқдордан ортиқча молиявий жарима қўллаш ҳолатларига йўл қўйилган. Хусусан, Солиқ Кодексининг 135-моддаси 8-бандига ўзгартириш киритилиб, солиқлар ва йиғимлар бўйича тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,15 фоиз бекор қилиниб, 0,7 фоиз миқдорида пеня ундириш белгиланган бўлса-да, айрим солиқ идоралари томонидан 0,15 фоиз пеня қўллаб келинмоқда. Бундай камчиликлар Андижон вилоятининг айрим туман, шаҳар ДСИларида аниқланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни талабларига зид равишда мувофиқлаштириш Кенгашининг рухсатисиз, режадан ташқари, ноқонуний текшириш ўтказиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишда махсус гувоҳномаси бўлмаган ходимларнинг иштирок этиш ҳолатларига йўл қўйган.

Ислоҳот ва масъулият

«...Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва тезлаштириш, мамлакатда хусусий сектор, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик фаолиятининг кенг ривож топиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган корпоратив бошқарув тизимини тартибга солиш... даркор.»

Ислом КАРИМОВ

(Вазирлар Маҳкамасида 2003 йилнинг биринчи ярми якунларига бағишланган мажлисдаги маърузадан.)

МУЛК РАВНАҚИ — ИҚТИСОДИЁТ НЕГИЗИ

Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқларига инвестицияларни жалб этиш сиёсати изчиллик билан ўтказилмоқда. Корхоналарнинг биржадан ташқари валюта бозорига кириб бориши анча эркинлаштирилди. Иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш, уларни таркибий ўзгартириш ва тугатиш билан боғлиқ ишлар муваффақиятли бажарилмоқда.

Бироқ, эришилган ютуқлар билан бирга, иқтисодиётимиз тармоқларида ва жисмоний соҳада ислоҳотлар йўлига тўсиқ бўлаётган (қандай бўлмасин, ечими топилиши керак бўлган) муаммолар ҳам талайгина. Ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, корхоналарнинг иқтисодий ва хўжалик фаолиятига давлат идоралари вакиллари томонидан бевосита аралашув ҳоллари ҳануз мавжуд. Хусусийлаштирилгандан кейинги даврда корхоналар фаолияти ҳамда давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлиги устидан назорат ҳам етарли эмас. Корхоналарни акциялаштириш жараёнларига инвесторларни жалб этиш ва акциядорлик жамиятларида давлатнинг ишончли вакиллари ҳамда ишончли бошқарувчиларининг фаолияти суст. Бу эса корхоналарнинг бир маромда ишлашига тўсиқлик қилмоқда. Негаки, уюшма ва компаниялар корхоналарнинг хўжалик фаолиятига асосли-асоссиз йўсинда аралашаётган ҳоллар бўлмоқда. Аниқроқ айтганда, корпоратив бошқариш принципларига риоя этилмаяпти. Кўпгина ҳолларда хусусийлаштирилган корхоналарда кузатув кенгашлари амалдаги директорларга тобе бўлиб, собиқ директорлар эса корхонада якка хўжайинга айланиб қолганлар. Ваҳоланки, қонунга биноан улар ўз акциядорларига мунтазам ҳисобот бериб туришлари шарт.

2003 йил 18 июнь ҳолатига кўра вилоятда 147 та акциядорлик жамияти мавжуд бўлиб, шундан 129 таси Фармонга асосан акциядорларнинг умумий йиғилишларини ўтказдилар. Натижада 94 та акциядорлик жамиятида директорларга тобе бўлган кузатув кенгаши таркиблари қайта сайланди. Айрим акциядорлик жамиятларида, (жумладан, «Механизатор» акциядорлик жамиятида) Фармон талабларига хилоф равишда кузатув кенгашининг қайта сайланган таркибига директорга тобе бўлган ишчилар киритилиши ҳоллари кузатилди. Жамият бошқарув раисларининг ўтган йил амалга оширган фаолияти бўйича берган ҳисоботи тасдиқланмаганлиги сабабли 16 та акциядорлик жамиятининг бошқарув раислари қайта сайланди. Жамият раислари томонидан 2003 йил учун тасдиқлашга тақдим этилиши лозим бўлган бизнес режаларга кузатув кенгашлари атрофлича хулоса бермаяпти.

2003 йил 19 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **«Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор Президентнинг **«Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги 2003 йил 24 январдаги Фармонини амалга оширишда ҳамда хусусийлаштирилган корхоналарда корпоратив бошқариш принципларини изчил жорий этишда муҳим босқич ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарорларида қуйидаги намунавий низомлар тасдиқланган:

— акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши тўғрисидаги намунавий низом;

— давлатнинг акциядорлик жамиятларидаги ишончли вакили тўғрисидаги низом;

— Бошқарувчи компаниялар тўғрисидаги низом;

— жамият ижро органи фаолияти юзасидан назоратни таъминлаш билан боғлиқ кузатув кенгашининг ваколатлари ва мажбуриятлари;

— кузатув кенгашининг мажлисларини чақириш ва ўтказиш тартибини белгилаш ва ҳоказо.

Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлиси ўтказилгандан сўнг 10 кун ичида мажлис баённини расмийлаштириш зарур. Шунингдек, белгиланган тартибда акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига киритилган ўзгаришлар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон бериши лозим.

2003-2004 йилларда акциялар (улушлар, пайлар)нинг давлат пакетларини танлов асосида профессионал бошқарувчи компанияларга (ишончли бошқарувга) босқичма-босқич бериш кўзда тутилган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг **«2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»**ги 2003 йил 17 апрелдаги қарорига мувофиқ акциядорлик жамиятларининг устав фондидаги 5 фоиз ва ундан кам миқдордаги давлат активлари мавжуд бўлган вилоятдаги 42 та акциядорлик жамиятларининг давлат пакет акциялари биржа ва биржадан ташқари бозорларга тўлиқ сотилади. Зарурат бўлганда ушбу акциядорлик жамиятининг давлат активлари сотилгунга қадар ишончли бошқарувчилар билан олдин тузилган шартномалар узайтирилади.

Барча акциядорлик жамиятларининг Кузатув кенгашлари ўзларининг ички корпоратив ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги қарорида қабул қилинган қоидаларига мувофиқлаштиришни 2003 йилнинг 1 октябридан кечиктирмасдан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишларида кўриб чиқишлари шарт.

Жамият Низомига киритилаётган ўзгаришлар ва қўшимчаларда: акциядорлик жамиятининг ижро органи раҳбарининг вазифалари, уни сайлаш муддатлари, Кузатув кенгашига ҳисобот бериб туриши, ишга ёллаш бўйича шартнома тузиши ва шартномани тўхтатиш шартлари; ҳисобланган дивидендларнинг (улар бўлмаган тақдирда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган) умумий маблағлари ҳисобини амалга ошириш каби масалалар тартиби белгиланиши лозим.

Очиқ акциядорлик жамиятлари 2003 йил 1 февралидаги ҳолатига кўра устав фонди Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича 50 минг АҚШ долларидан кам миқдорда бўлган (илгари ташкил этилган акциядорлик жамиятлари 2004 йил 1 январгача) ўз устав фондларини қайта рўйхатдан ўтказиш санасида кўрсатиб ўтилган суммадан кам бўлмаган миқдорга келтиришлари ёхуд белгиланган тартибда бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга айлантирилиши шарт.

Музаффар ИСМАТОВ,
Навоий вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи

«КУТУБХОНАЧИЛАР КЛУБИ»

«BTL» агентлиги матбуотга обуна этиш ва тарқатиш соҳасида 8 йилдан буён муваффақиятли ишлаб келаётир. Фақат Россиянинг ўзидан салкам 3 минг номдаги даврий нашрларни обуначи-ташкилотлар ўртасида тарқатмоқда. Улар орасида ихтисослашган нашрлар, амалий қўлланмалар ва китоблар мавжуд. Айтиш керакки, салкам 2000 обуначи-ташкилотга хизмат кўрсатаётган агентлик олаётган даврий нашр маҳсулотларининг умумий йиллик ҳажми 40 тоннадан ошади.

Обуначи-ташкилотларга хизмат кўрсатиш даражасини ошириш ва уларнинг хилма-хил нашр маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида «BTL» агентлиги йирик обуначи-ташкилотлар ўртасида сўровнома ўтказди.

Маълум бўлишича, ташкилотлар, муассасалар, ўқув юртларининг ахборот билан шуғулланувчи мутахассислари ўртасида зарур бўлган ахборотлар, кўпгина нашрлар, мақолалар, китоблар билан танишиш масаласида айрим муаммолар бор экан. Тадқиқот натижасида «BTL» агентлиги ҳузурида «Кутубхоначилар клуби»ни ташкил этиш лойиҳаси тайёрланди. Клубни ташкил этишдан мақсад мутахассислар, кутубхона ходимлари ва ўқувчиларнинг нашр билан танишувларини яхшилашга қаратилган. Унинг моддий-техникавий ва ташкилий таъминоти агентлик маблағи ва имкониятлари ҳисобидан амалга оширилади. Дарвоқе, клубга аъзолик кўнгилли ва бепулдир. Кутубхонада мамлакатимиз ва чет элларда чоп этилган хилма-хил газета ва журналлар бўлади. Шунингдек, нодир электрон ахборот маълумотнома тизими ҳам ишлайди. Клубда семинарлар ва «давра столлари» ўтказилади. Бир сўз билан айтганда, «BTL» агентлиги ҳузурида ташкил этилган «Кутубхоначилар клуби»да муштарийларнинг даврий нашрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун барча шароит муҳайё этилади.

Шаҳноза РЎЗИЕВА

ЯНГИ ҚИРРАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан янги ўқув йилида мамлакатимизнинг бир талай олий ўқув юртларида қатор замонавий, халқаро аҳамиятга эга бўлган янги факультет, кафедра ва ўқув лабораториялари ташкил этиш режалаштирилган. Масалан, Самарқанд ва Бухоро давлат университетларида янги ўқув йилидан бошлаб талабаларга поляк тили ва маданиятидан ўқув машғулотлари олиб борадиган марказлар очилиши кўзда тутилмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида поляк тили ўқув маркази фаолият кўрсатмоқда. Мазкур марказ 2002 йилда Польша Республикаси Президентининг мамлакатимизга қилган расмий ташрифи чоғида очилган эди. Бу ерда талабалар поляк маданияти, илм-фани, таълим тизими ва соғлиқни сақлаш соҳалари билан танишади. Марказда таълим жараёнлари поляк тилида, Польшадан келган педагоглар томонидан олиб борилмоқда. Бундай ҳамкорлик натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги маданият ва илм-фан соҳаларининг янги-янги қирралари очилиши шубҳасиз.

Акбар АЛИЕВ

Тўқнашув натижасида...

Неча кундирки, Либерияда «Тинчлик ва демократия учун фронт»и жангарилари билан ҳукумат қўшинлари ўртасида жанглар давом этмоқда. Қўзғолончилар мамлакат Президенти Чарльз Тейлорнинг президентлик лавозимидан кетишини талаб қилмоқдалар.

Associated Press агентлиги берган хабарга кўра, сўнгги кунларда мамлакат пойтахти Монровиядаги икки кўприк учун бўлган жангларда тинч аҳолидан 600 киши ҳалок бўлди. Бу ҳақда Либерия мудофаа вазири Даниэл Чи хабар берди. Инсонпарварлик ташкилотлари ходимлари маълум қилишича, фақат миномёт отишмалари натижасида 100 киши ҳаётдан кўз юмган.

Дарвоқе, АҚШ ҳарбий-денгиз кучлари матбуот котибининг айтишича, АҚШнинг Либериядаги элчихонаси ҳам миномётдан ўққа тутилган. Ҳайриятки, ҳеч кимга зиён-заҳмат етмади. Reuters агентлиги Америка денгиз пиёдалари АҚШ элчихонасини қўриқлаш учун Монровияга етиб келганлиги ва журналистлар ҳамда инсонпарварлик миссияси вакилларидан 23 киши эвакуация қилинганлиги ҳақида хабар берди. Улардан 7 нафари БМТ вакилидир. Улар икки ҳафта аввал инсонпарварлик фаолияти билан шуғулланиш учун Либерияга келган эдилар.

Аввалроқ, АҚШ маъмурияти Либерияда тартибни сақлаш учун 4500 ҳарбийни Монровияга жўнатиш ҳақида баёнот берган эди. Ҳозир мазкур масала юзасидан Африка мамлакатлари билан музокаралар олиб борилмоқда. Шунингдек, мамлакатдаги икки қарама-қарши куч ўртасида юзага келган танг вазиятни бир оз юмшатиб, бу икки кучни ўзаро тинчлик келишувига эришториш борасидаги масалани Оқ уй маъмурияти БМТ билан муҳокама этмоқда.

Номзоди рўйхатга олинмади

Озарбайжон Марказий сайлов комиссияси (МСК) «Қутқарувчи» ташаббускор гуруҳи томонидан президентликка номзоди илгари сурилган Озарбайжоннинг собиқ биринчи Президенти Аяз Муталибов номзодини рўйхатга олмади. Сабаб: «Интерфакс» берган хабарга кўра, Муталибов Озарбайжондан ташқари Россиянинг Владимир вилоятида ҳам «прописка»да тураркан.

Бундан ташқари 90-йилларда унга қарши жиноий иш қўзғатилган. У 1990 йил 20 январга ўтар кечаси Бокуга совет қўшинлари киритилишига, шунингдек, 90-йил ўрталарида давлат тўнтаришини амалга ошириш ҳаракатларига алоқадорликда айбланганди.

Ўшанда Бокуга киритилган собиқ совет қўшинлари антикоммунистик Халқ фронтининг ҳокимият тепасига чиқиш учун қилаётган саъй-ҳаракатларини бартараф этиши керак эди. Шаҳар назоратини қўлга олиш учун совет қўшини норозилик иштирокчиларига қарата ўт очиб, бир кечада 137 кишининг умрига зомин бўлди, 700 кишини жароҳатлади, мухолифат етакчиларини қамоққа олди.

Совет тузуми қулагач, 1992 йили Аяз Муталибов ҳам лавозимдан кетган. Шундан сўнг ҳокимият Халқ фронти қўлига ўтган.

Эслатма: шу йил 15 октябрда республикада президентлик сайлови бўлиб ўтади. Марказий сайлов комиссияси 19 номзодни рўйхатга олди. Улар орасида мамлакатнинг амалдаги 80 ёшли Президенти Ҳайдар Алиев ва унинг ўғли Илҳом Алиев ҳам бор.

Яна бир таъкид: Марказий сайлов комиссияси нафақат Муталибов номзодини рўйхатдан ўтказмаган, балки Демократик партиядан номзоди илгари сурилган Расул Гулиев ва бошқаларнинг ҳам ҳужжатларини қайтарган.

Гавай. Чўмилиш ҳавзаларидан бири

— ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

қандай бўлиши кўп жиҳатдан кичик ва ўрта бизнес ривожига боғлиқ

Бундай қонунбузарликлар Навоий шаҳар, Нурота, Қизилтепа туманлари давлат санитария эпидемиология назорати марказларида аниқланди.

Шартномавий муносабатлар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, айнан қишлоқ хўжалигидаги шартномаларнинг қонуний тузилиши ва улар ижросининг таъминланиши ҳар бир тайёрловчи, хизмат кўрсатувчи идоралар мансабдорларининг асосий вазифаларидан биридир. Аммо, бу ерда ҳам эътиборсизлик, сусткашлик, лоқайдлик ҳолатлари давом этаётганлигига гувоҳ бўлдик. Хусусан, туман МТП ДАЖлари томонидан айрим фермер хўжаликлари билан тузилган шартномаларда ер ҳайдаш бўйича харажатлар калькуляцияси нотенглик асосида белгиланган.

Бундай нохуш ҳолатни Қизилтепа тумани айрим хўжаликларида кўриш мумкин. Жумладан, «Ўзбекистон 10 йиллиги» фермер хўжалиги билан 2002 йил 14 ноябрда тузилган 4-сонли шартномада 1 гектар ерни ҳайдаш баҳоси 27461 сўм 22 тийин бўлса, «Олмос» фермер хўжалиги билан шу куни тузилган 5-сонли шартномада 1 гектар ерни ҳайдаш баҳоси 25949 сўм 24 тийин қилиб белгиланган.

Ваҳоланки, вилоят молия бошқармаси томонидан 1 гектар ерни шудгорлаш (ҳайдаш) хизмат баҳоси, ёнилғи билан 21230 сўм 14 тийин, ёнилғисиз 18224 сўм 33 тийин қилиб қатъий белгиланган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузилган шартномалар ижросини таъминлаш ва уни назорат қилишнинг ягона механизми мавжуд эмас.

Пахта ёки ғалла етказувчиларга хизматлар учун пул маблағлари транш орқали МТПлар хизмат кўрсатса ҳам, кўрсатмаса ҳам мажбурий ҳисоб рақамларига ўтказиб берилади. Натижада МТПга фермерлардан кўрсатилмаган хизматлари учун ҳақ тушмоқда. Бунинг натижасида МТПларнинг фермер хўжаликлари олдидаги қарзлари кундан-кунга ошмоқда.

Бундан ташқари, Президент Фармони билан тақиқланган бўлса-да, Қизилтепа МТП томонидан 11 та фермер хўжалигига кўрсатилган хизматлар эвазига 34883 кг. 4655225 сўмлик турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиш йўли билан бартер усулида ҳисобкитоб қилинган.

Шунга ўхшаш камчиликларни Андижон, Бухоро вилоятлари туманларидаги МТП, пахта тозалаш заводлари, «Қишлоқхўжаликкимё» филиалларида, нефтьбазаларнинг шартномавий муносабатлар бўйича олиб бораётган фаолиятларида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги идоралари томонидан тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб, судларга 14,2 млрд. сўмлик 6583 та даъво аризаси, шу жумладан хўжалик судларига 13,2 млрд. сўмлик 2431 та даъво аризалари киритилди.

Тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга етказилган моддий ва маънавий зарар ҳамда бой берилган фойдани ундириш юзасидан айбдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган чоралар қўлланилмоқда.

Муборак туман ҳокимининг 2002 йилдаги 434/7-сонли қарори билан «Ҳошим-Полвон» фермер хўжалигига ажратилган 36,5 га ер майдони юзасидан тузилган ижара шартномаси бекор қилинган. Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб судга киритган даъво аризаси бўйича хўжалик судининг қарорига асосан туман ҳокимининг асоссиз қарори бекор қилиниб, фермер хўжалигига унинг ер майдони қайтарилиб, қонуний ҳуқуқлари тикланди.

2003 йил биринчи ярим йиллик давомида Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармаларига 3839 нафар тадбиркорлардан уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилганлиги ҳақида аризалар келиб тушган (шундан, 1022 таси шартнома бўйича). 2872 нафар тадбиркорларнинг аризалари қаноатлантирилган, 442 таси тегишлилиги бўйича бошқа идораларга юборилган, 373 та ариза рад этилган, қолганлари эса ўрганиш жараёнида.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган олти ойида «Ишонч телефони»га 861 нафар тадбиркорлар томонидан мурожаатлар бўлиб, шундан 490 тасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилган, 348 та мурожаат юзасидан тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бўйича тегишли таъсир чоралари кўрилди.

Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармалари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида 1317 та тақдимнома, 427 та огоҳномалар киритилди. 1572 нафар мансабдор шахслар жавобгарликка тортилди, шу жумладан, 274 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Бундан ташқари, 125 нафар мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилган. Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан мансабдор шахсларга жиноий иш қўзғатиш ҳақида 31 та таклифлар киритилди.

Бундан ташқари, 141 мингдан ортиқ хўжалик юритувчи субъектлар ва 119 минг ички тузилган шартномаларнинг қонунийлиги ўрганиб чиқилди. Ўрганиш давомида 31 мингдан ортиқ шартномалар нотўғри тузилганлиги аниқланди. Ушбу шартномалар адлия идораларининг ташаббуси билан қонунийлаштирилиб, қайта тузилди.

Умуман, адлия идоралари томонидан шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аниқланган қонунбузилишлар бўйича 711 та тақдимномалар киритилди. Ушбу тақдимномаларга асосан 502 нафар мансабдор шахс жавобгарликка тортилиб, шундан 58 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Шартнома мажбуриятларини бузганлиги учун 37 нафар шахс маъмурий жавобгарликка ва 6 нафари жиноий жавобгарликка тортилди.

Шу ўринда умумманфаат ишига катта наф бераётган сўровлар хусусида икки оғиз. Жорий йилнинг биринчи чорагида Адлия вазирилиги томонидан барча вилоят, туман ва шаҳарларда 13 мингта тадбиркор ўртасида сўров ўтказилди. Сўров натижалари таҳлил қилиниб, вилоят ҳокимликларига аниқланган ҳолатлар бўйича тегишли чоралар кўриш учун юборилган. Ҳозирги кунда сўров натижаларининг таҳлиллари вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида кўриб чиқилмоқда.

Иқтисодимизнинг равнақи, эртанги кунимиз қандай бўлиши кўп жиҳатдан кичик ва ўрта бизнес ривожи, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигига боғлиқ. Шундай экан, тадбиркорлар ҳамиша қонун ҳимоясида бўлади. Деҳқон ва фермер хўжаликларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш адлия ходимларининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолаверади. Тадбиркорлар ҳақига хиёнат қилаётган, уларнинг ҳуқуқларини поймол этаётган ҳар қандай шахс ёки идорага қонунда белгиланган тартибда чора кўрилаверади.

Давлатназар МАТРАСУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи

Кучайтирилган тартибда иш олиб боради

Индонезия парламенти — Халқ маслаҳати ассамблеясининг 1-10 августгача бўлиб ўтадиган йиллик сессияси даврида Жакарта полицияси кучайтирилган тартибда иш олиб боради. Шаҳар полицияси раҳбари, генерал Макбул Падманегаранинг айтишича, полиция жанговар тайёргарлик ҳолатига келтирилади, ҳеч ким постини ҳатто 1 минутга ҳам ташлаб кетмайди.

Парламент биносини 1300 полициячи қўриқлайди, сессия кунлари шаҳарда 7 минг полициячи фаолият олиб боради.

Парламент спикери Амин Раис The Jakarta Post газетасига маълум қилишича, депутатлар хавфсизлигини таъминлаш учун 134 минг долларлик маблағ ажратилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ачех музофотида «Озод Ачех» ҳаракати тарафдорларига қарши олиб борилаётган ҳарбий тадбирлар муносабати билан ҳамда турли террорчилик хуружи содир этилишининг олдини олиш мақсадида полиция кучайтирилган тартибга ўтказилди.

Носозлиги учун

Sony корпорацияси дунё бозорига чиқарган ўз маҳсулотларини, яъни Vaio русумидаги ихчам компьютер (ноутбук)ларидан 18 мингтасини чақириб олмоқда. Сабаб: бу компьютерлар носоз йиғилган бўлиб, фойдаланувчилар учун бир оз хавфли — ички модемдан фойдаланиш пайтида ток уриши эҳтимоллари кузатилмоқда.

Корпорация вакилининг айтишича, ҳозиргача бу тўғрида 10 та шикоят тушган. Эндиликда Sony сервис маркази барча носоз компьютерларни текинга созлаб беради.

Бу ерда гап Vaio FRV ўрнида сотилган Vaio FR русумидаги компьютерлар ҳақида кетмоқда. Бундай ноутбукларнинг энг кўпи Японияга, 3 мингга яқини АҚШга, 2 минг атрофида Европага сотилган экан. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, компьютерлардаги ушбу носозлик туфайли кўриладиган зарар тахминан 4,2 миллион долларга яқин экан.

Маккажўхори йўқ қилинди

Италиянинг Пьемонт музофоти маъмурияти 381 гектар ердаги маккажўхори экинларини беш кун муддатда йўқ қилиш ҳақида буйруқ берган эди. Бугун экинзорларнинг охирги гектарлари ҳайдаб йўқ қилинди, дея хабар беради Reuters агентлиги.

Гап шундаки, Пьемонт музофоти маъмурияти матбуот котиби Массимо Тьесонинг айтишича, 381 гектар ерга генетик тури ўзгартирилган уруғлик экилган экан. Трансген уруғларни майдонларга экиш эса Италия қонунчилиги бўйича тақиқланади. Шунинг учун ҳам музофот губернатори Энцо Хиго экинзорни йўқ қилишга буйруқ берди.

Маълумки, Европарламент генетик тури ўзгартирилган маҳсулотлар савдоси қоидаларига жиддий талабларни киритган. Унга кўра, маҳсулотларда трансген компонентлари 0,9 фоиздан ошса, маҳсулотга албатта белги қўйилиши шарт. Шунингдек, янги қонунга кўра, генетик тури ўзгартирилган маҳсулот, озуқа ёки уруғлик сотиб олишда ҳар бир давлат ўз сиёсатидан келиб чиқиб ёндашиш ҳуқуқига эга.

Интернет хабарлари асосида Илҳомжон ДУШАЕВ тайёрлади

«Универсиада — 2004»: тараддуд

МЕЗБОНЛИК ҲАМ ШАРАФ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

Юртбошимиз ташаббуси билан яратилган уч бўғинли спорт тизимида бу спорт ўйинлари алоҳида мавқега эга. 2000 йилдан бошлаб мунтазам ўтказиб келинаётган «Универсиада» баҳслари республикамиз олий ўқув юртлари талабаларининг аллақачон севимли мусобақасига айланиб улгурган. Наманган, Бухоро вилоятларида бўлиб ўтган катта спорт беллашувларининг финал босқичлари спортнинг ўн икки тури бўйича жуда кўплаб иқтидорли йигит-қизларни кашф этди. Ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши мўлжалланган «Универсиада» баҳонасида жойларда янги спорт базалари яратилди, борлари халқаро андозалар асосида қайта таъмирланди. Энг муҳими, талаба-спортчилар, мураббийлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари даражаси ва савияси ошди. Соғлом муҳит яратиш вазифалари ҳал этилди.

Ана шундай эзгу ва хайрли мақсадларга хизмат қилаётган «Универсиада» келаси йили кўҳна ва навқирон Самарқандда бўлади. Бугун бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Янги спорт мажмуалари, ўйингоҳлар, кортлар, сув ҳавзалари барпо этиляпти. Уларнинг барчаси «Универсиада»дан сўнг самарқандлик ёшлар ихтиёрига топширилади. Самарқандлик талабалар мезбон сифатида мусобақага тайёргарликни аллақачон бошлаб юборишган.

— «Универсиада — 2002»да вилоятимиз жамоасида университетимиздан яхлит энг кўп иштирокчи қатнашганди, — дейди Самарқанд давлат университети жисмоний маданият факультети спорт педагогикаси фанларини ўқитиш услубияти кафедраси мудири Аслам Ғуломов. — Университетимизнинг 124 нафар талаба-спортчиси вилоятимиз шарафини ҳимоя қилди.

— «Универсиада — 2004» баҳслари самарқандлик талабалар зиммасига катта масъулият юклаши табиий. Чунки улар бўлажак мусобақада нафақат иштирокчи, балки мезбон сифатида ҳам майдонга тушадилар. Ўз мухлисларини хурсанд қилиш, юксак натижаларни кўрсатиш керак...

— Албатта. Ўтган икки универсиада баҳслари талабаларимиз учун катта тажриба мактаби вазифасини ўтади. Навбатдаги мусобақаларда ҳам вилоятимиз терма жамоаси асосини яна университетимиз талабалари ташкил этади. Айни пайтда мураббийлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари махсус режа ва тартиб бўйича талабалар билан машғулотлар олиб бормоқдалар. Баскетбол, қўл тўпи, волейбол, футбол турларига бевосита кафедрамиз ўқитувчилари бириктирилган. Улар ҳозирда икки юз нафардан зиёд талаба йигит-қизларни машғулотларга жалб этиб, ҳафтасига олти кун шуғулланишмоқда. Улар орасидан истеъдодлилари саралаб олинади.

Ўқитувчи-мураббийларимиздан В.Бобкин, Г.Билялова, А.Тувалов, Ж.Эшназаров, К.Норбоевлар хизматини алоҳида таъкидламоқчиман. Улар талаба-спортчилар маҳоратини ошириш учун жон қуйдириб меҳнат қилишмоқда.

— Бугунги кунда СамДУда талабаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун қандай шарт-шароитлар яратилган?

— Очиғи, илгари университетимиз спорт мажмуида ўзига яраша камчиликлар йўқ эмасди. «Универсиада — 2004» мусобақалари мезбонлигининг вилоятимизга топширилиши жамоамизни руҳлантириб юборди. «Универсиада — 2004» дастуридаги 6 спорт тури СамДУ спорт базаларида ўтказилади. Қисқа фурсат ичида спорт зали, сузиш ҳавзаси, ўйингоҳ, спорт майдончаларини тўлиқ қайта таъмирлашга киришилди. Биз меҳмонларни муносиб кутиб олиш билан бирга мусобақаларда ҳам фаол қатнашишга ахд қилганмиз.

Абдумутал СОДИҚОВ суҳбатлашди.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

шуни маълум қиладики, кимошди савдоларига қўйилиб сотилмаган «ONIKS» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли, Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Широқ кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 395 кв.м. бўлган гараж биноси (қисми) биржа савдоларига ўтказилди.

Бошланғич нархи — 14 500 000 сўм.

БИРЖА САВДОЛАРИ ҲАФТАНИНГ ҲАР ДУШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА КУНЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

Муносабат

АЙБ ҚЎЙИШ МАСЪУЛИЯТИ

ИНКОР ЭТИБ БЎЛМАС АСОСЛАРНИ ВА ХОЛИСЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси бўйича бениҳоя катта ишлар амалга оширилмоқда. Коллежлар, лицейлар, янги замонавий мактаблар фаолият кўрсата бошлади. Ўқув масканлари энг илғор техник воситалар билан таъминланмоқда. Лекин бу тизимнинг малакали кадрлар ва ўқув адабиётларга бўлган талаби ҳамон долзарблигича қолмоқда. Шубҳасиз, мактаб, олий ўқув юртлари учун китоблар, ўқув қўлланма, дарсликлар яратишда қийинчиликларга дуч келинмоқда. Маълум хато камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда.

Бунинг ҳам табиий эканлигини тушунмоқ керак, деб ўйлайман. Чунки, дарсликлар, қўлланмаларни энди-энди ўзимиз яратаяпмиз, бу борада тажриба тўплаяпмиз. Ушбу соҳада беминнат, сидқидилдан меҳнат қилаётганлар бор. Шу боис бу масалада гап кетганда чуқур ўйламай, енгил хаёллар билан, шоввозликка интилиб йўл тутиб бўлмайди, албатта.

Яқинда газеталаримиздан бирида босилган **«Дарслик ёзиш... кўчиришмас-ку, домлажон!»** деган мақолани ўқиётиб, беихтиёр хаёлимдан мана шундай фикрлар ўтди. Мақола муаллифи М.Бердиқулов Ўзбекистон Фанлар академияси Математика институти катта илмий ходими, демак, математик, ўзлари ҳам домла эканлар. Мақолада Ж.Хусановнинг ҳозирги пайтда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари учун сув-ҳаводек асқотиб турган «Математика, прогрессия ва лимитлар» китоби гўёки бошқа бир жойдан кўчириб олинганини исботлашга уринилади, айрим далиллар ҳам келтирилади. Бу китоб В.В.Вавилов, И.И.Мельников, С.Н.Олехник ва П.Н.Пасиченколар томонидан ёзилган «Задача по математика. Начало анализа» деган китобдан кўчириб олинганлиги даъвоси қилинади.

Аслида эса бу китоб ҳам осмондан тушмаган, ундаги математиканинг умумий масалалари буюк математик салафларнинг илмий изланишларини ўзида мужассам этган.

М.Бердиқулов айтганидек, дарслик эмас, қўлланма! Дарслик билан қўлланма ўртасида анча фарқ борлиги талабага ҳам, ўқитувчига ҳам маълум.

Агар Ж.Ҳусанов «мана шу китобдаги барча тенгламалар ва келтирилган мавзулар меники, менинг кашфиётим» деганда, бошқа гап эди. У бу мавзулар кашшофи ва муаллифи эмас, балки қўлланма муаллифи сифатида илм ўрганувчи ёшлар учун энг қулай бўлган, кенг билим беришга асосланган вариантларни танлашга ҳаққи бор. Мен бир ўқитувчи сифатида, бу қўлланмани ҳақиқатан ҳам ўқувчиларбоп ёзилган, ҳозирги кун учун жуда зарур деб биламан.

Сабаби янги замон илм масканларида таҳсил олаётган фарзандларимиз учун бошингни ғалвага қўйиб бўлса ҳам қўлланма яратсанг барибир савобга қоласан. Буни чуқур ҳис этган ҳолда қўлланма сўз бошисида шундай эсланади: «қўлланмани ёзишда муаллиф ўзининг кўп йиллар давомида олиб борган илмий-методик изланишлари натижаларидан, бир қанча вақт олий ўқув юртининг талабаларига ўқиган маърузаларидан, шунингдек, мавжуд адабиётлардан, хусусан, рус тилидаги китоблардан фойдаланди».

Бу очиқ-ойдин эътирофдан ташқари М.Бердиқуловга яна нима керак экан?

Қўлланма доирасида айрим мавзуларнинг ёки тенгламаларнинг бир китобдан иккинчисига ўтиб қолиши табиий жараён ҳисобланади. Мана, масалан, адабиёт дарсликларини олиб кўрайлик. Стеротип тушунчалар, назариялар бир китобдан иккинчисига ўтиб юради. Ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясини дарслик муаллифи тўлиғича келтиради. Шу билан у ҳикоянинг кўчирмачиси бўлиб қолмайди-ку? Қўлланма тузишда, энг аввало, яхши анъаналардан фойдаланган ҳолда ёшларга билим беришнинг мақбул йўллари изланади.

Тан олиб айтиш керак, майли рус тили ёнки бошқа тиллардан бўлсин, таржима қилинадими, қайтадан босиладими, ҳозирги ёшларни ҳақиқий фан асослари билан таништиришга қодир қўлланмалар жуда зарур. Қолаверса, беш минг нусхада чоп этилган бу «Математика, прогрессия ва лимитлар» қўлланмаси илм олишга ташна миллионлаб ёшлар учун денгизга тушган томчидек гап. Қанийди, ўзини илмга дахлдор деб ҳисоблаган ҳар бир олим, жумладан, М.Бердиқуловнинг ўзи ҳам илм соҳибларига савоби тегадиган ишларни қилса, ҳеч бўлмаса бирорта қўлланма яратса. Акс ҳолда айрим олимларимиз пешона тери тўкиб, меҳнат қилади, бошқалар ишлаганлар хатосини ахтариш билан банд бўлади.

Айтишларича, пилла қуртини Хитойда илгари сир сақлашган, кейинчалик сирдонлар турли йўллар билан улардан бохабар бўлиб, ўз мамлакатлари ва миллатлари тараққиёти йўлида жуда улкан тарихий вазифани бажаришган экан.

Математик қўлланмаларга эҳтиёж бўлиб турган бугунги кунда «Задача по математика. Начало анализа» сингари китобларга асосланиб бўлса-да, қўлланмалар тузиш сири махсус сақланаётган ипак қуртини олиб келишдек фойдали иш ҳисобланмайдими?

Майли, ривоятлар ўз йўлига. Лекин манманлик, ортиқча эҳтирос, шуҳратпарастлик ёки ном чиқаришга ишқибозликни ҳам бир четга йиғиштириб қўйиб, холис ўйлайлик: ёшларимиз учун зарур бўлиб турган ушбу қўлланмани яратиш учун ўзига яраша меҳнат, ташвиш талаб қилинади-ку. Бундай ишлар ҳақида фикр юритганда кўнгилни кенг, мулоҳазани чуқурроқ қилиш керак эмасми?

Холис муносабат юритиш ҳамиша қийин кечади, албатта. Менимча, холис бўлиш учун қилинган ишнинг фойда-зарарини тарозининг икки палласига қўйиб ўлчаб кўриш керак бўлади.

Саттор АЛИМУҲАМЕДОВ,
физика-математика фанлари номзоди, доцент

«Абитуриент— 2003»

Айни дамда республикамизнинг барча коллеж ва лицейлари қатори пойтахтимизнинг «Кўкча» даҳасида жойлашган Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси тасарруфидаги «Ўқув-даволаш комплекси» тиббиёт коллежида ҳам абитуриентларни қабул қилиш қизғин давом этмоқда. Коллежда учта — акушерлик, ҳамширалик, стоматология иши бўлимлари мавжуд бўлиб, уларга ўрта мактабнинг 9-синфини тугатган ўғил-қизлар қабул қилинади. Бу ерда ўқиш муддати 3 йил бўлиб, дарслар амалиёт билан уйғун ҳолда ўқув-даволаш комплексида олиб борилади. Коллежда замонавий компьютер синфлари, тиббий асбоб-ускуналари билан жиҳозланган лаборатория хоналари ўқувчилар ихтиёрида. Бундан ташқари, улар билим юрти қошидаги поликлиникада тиббий жараён билан ҳам шуғулланади. Коллежни битириб чиққан ёшлар республикамиз соғлиқни сақлаш тизимида ўзларининг касб маҳоратларини намоён этишади.

Суратларда: **қабул жараёнидан лавҳалар. Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 602

8283 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

Ёшликнинг қадрини қаримасдан бурун бил

Мазмуни: «Ёшликни сенга боғлаб бериб қўймайди, вақтида унинг қадрига ет. Ёшлигингда, яъни куч-қувватинг борида қилар ишингни қилиб қол, қариганингдан кейин, яъни куч-қувватдан қолганингдан кейин — кеч бўлади, афсус қиласан», дейилмоқчи. Вар.: «Қаримагунча — йигитлик қадрини билмас»; «Олтин топилар, ёшлик топилмас»; «Ёшликни сотиб олиб бўлмас»; «Ёшлик вақтим — олтин тахтим»; «Ёшликда қилинган иш — қариганда эгасини кутиб олади»; «Ёшликдаги ғайрат — кексаликда роҳат».

Ёғмай ўтган ёмғирдан ўпкалама

Айрим пайтларда булут ола бўлади-да, ёмғир баъзи ерларга ёғиб, баъзи ерларга ёғмай ўтиб кетади. Одатда ҳеч ким бундай ёмғирдан ўпкалаб, гина қилиб юрмайди. Мазкур мақолни баъзан: «Фалончининг тўйи, зиёфатидан умидланиб юрган эдим. Нега мени айтмади-я, деб ўпкалама. Ўтган иш — ўтди-кетди», деган маънода; баъзан эса «Аттанг, фалон нарса бошқаларга тегди-ю, менга тегмай қолди ёхуд фалон нарсадан фойдалана олмадимда, деб афсусланма. Ўтган ишга — саловат», деган маънода қўллайдилар.

Ёшнинг қариси бўлгунча, қарининг ёши бўл

«Ёшнинг серкаси бўлгунча, Қарининг эркаси бўл» (серка — қўйларни бошлаб юрадиган, бичилган, ахта қилинган эчки. Мажозан «йўлбоши» маъносида қўлланилади). Бева бўлиб қолган аёл тилидан айтилган бу мақолларни шундай хотинларга: «Ўзингдан ёшроқ бўлган йигитга чиққанингдан кўра, ўзингдан бирмунча катта ёшдаги эркакка, ҳатто қарияга турмушга чиққанинг маъқул. Негаки, «Урушсиз уй йўқ» дегандай, кундалик турмушда эр-хотин бир-бири билан келишолмай, бирининг гапи бирига тўғри келмай, урушиб, жанжаллашиб, бир-бирига қаттиқ-қурум гапириб қоладиган пайтлар ҳам бўлиб туради. Ана шунда ўзингдан ёш сенинг қарилигингни юзингга солиши мумкин. Ўзингдан катта, қари одам эса сени эъзозлаб, иззат-ҳурмат қилиб, кафтида кўтаргудай бўлиб юради», деган маънода насиҳат қилганларида қўллайдилар.

Ҳикматли сўзлар маъноси

Сафин яна ўзини кўрсатармикан?

Россиянинг таниқли теннисчиси Марат Сафин навбатдаги нуфузли мусобақада иштирок этишга ҳозирланмоқда. Унинг мураббийи Денис Голованов айтишича, Марат жамғарма мукофоти 380 минг АҚШ доллари қилиб белгиланган «Mercedes Benz Cup» турнирида иштирок этаркан. «Бу йил Марат учун қийин кечаётир, — дейди Голованов. — Москвада етарли тайёргарликдан кейин Лос-Анжелесда бошланадиган турнирга борамиз».

У Лос-Анжелес турнирида муваффақиятли иштирок этса, АҚШ очиқ чемпионатига ҳозирланади.

Дарвоқе, Сафин шу йил апрель ойидан бери бармоғи ва оёғидан олган жароҳати сабабли мусобақаларда иштирок этолмаётир. Шу боис унинг халқаро рейтинги пасайиб бормоқда. Марат ҳозир 50-ўринни эгаллаб турибди.

Курси учун 10 миллион фунт стерлинг

Англиянинг биринчи дивизионида иштирок этаётган «Престон» футбол клуби ўзининг молиявий аҳволини ҳал этишга уринмоқда. Бунинг учун бир вақтлар мазкур клубда илк бор тўп сурган машҳур Дэвид Бекхэм заҳирада ўтирган курсини 10 миллион фунт стерлингга пуллашни ният қилди. Июнь ойида қадрдон «Манчестер Юнайтед»дан 25 миллион фунт стерлинг баҳосида Мадриднинг «Реал» клубига сотилган Бекхэм 1995 йилда «Престон» футболчилари қатори майдонга тушган эди. «Престон» эса у пайтда бор-йўғи 3-дивизионда ўйнарди. 1995 йилнинг 4 март куни «Престон» — «Донкастер» жамоалари ўртасидаги учрашув 2:2 бўлган. Бекхэм эса танаффусгача заҳира курсисида ўтириб, кейин Пол Рэйнор ўрнига майдонга тушган ва орадан 10 дақиқа ўтар-ўтмас, бурчакдан аниқ зарб билан тўпни дарвозага киритган эди. Бу учрашувдан кейин Бекхэм «Престон» учун яна тўрт ўйинда иштирок этган. Қизиғи шундаки, Бекхэм ўтирган курсига «Манчестер Юнайтед» мухлислари катта қизиқиш билдирмоқдалар. Ҳар қалай Бекхэмнинг обрўси баланд. Бўлмаса, Мадрид дўконларидан бирида унинг исми-шарифи ёзилган кўйлакни мухлислар бир неча соатдаёқ «талаб» кетармиди.

«Манчестер»ни сотиб олмоқчи эди

Чукотка губернатори Роман Абрамович «Манчестер Юнайтед» клубини сотиб олишга ахд қилганини баён этганди. Бундай нуфузли жамоа сотилмаслигини билгандан кейин «Арсенал»га қизиқди. Кейин Британия футболининг нуфузли агентларидан Пинхас Захави россиялик тадбиркорга иложи бўлса «Челси» жамоасига ёрдам бериши мумкинлигини билдирган. Маълум бўлишича, бу жамоа молиявий инқирозга юз тутган бўлиб, оз эмас-кўп эмас 142 миллион долларлик қарзи бор экан. Шунга қарамай, Чукотка губернатори бу жамоага 159 миллион доллар ажратган. Энди «Челси» ҳар томонлама ўзини ўнглаб олиши табиий. Ҳозирданоқ бу клубга «Саутгемптон»дан Уэйн Бриж, «Реал»дан Жерими ва «Вест Хэм»дан Глен Жонсонлар ўтишди.

1998 йили 42-ўрта мактаб томонидан Исломова Мадина Джурабоевна номига берилган O'R-A 384560 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ўзпаррандасаноат» республика парранда гўшти ва тухум етиштириш корхоналари уюшмаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 12. Тел.: 133-44-34

Эълон

Ҳамза тумани М.Риёзий мавзесидаги 9 қаватли 4-уйнинг 4-қаватида 2 хонали 2 та уй алоҳида-алоҳида ёки бирга сотилиши мумкин. Таъмирланган, телефони бор. Соат кечки 20.00 дан кейин 169-46-63 телефонига қўнғироқ қилиш мумкин.